

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Ҳ У К М

2025 йил 07 январь куни, жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди, ўз биносида очик суд мажлисида, раислик қилувчи шаҳар судининг раиси Т.Вахобов, судья ёрдамчиси Ш.Алиёровнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Фарғона шаҳар прокурори катта ёрдамчиси Ж.Отажонов, судланувчи З.Эргашов ва жабрланувчи Х.Эргашоваларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 126¹-моддаси 5-қисми “ж” банди билан Эргашов Зойиржон Зокиржон ўғлига оид 1-1501-2401/2720-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Эргашов Зойиржон Зокиржон ўғли (Ergashov Zoyirjon Zokirjon o'g'li), 1993 йил 14 августда Фарғона шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 2 нафар фарзанди бор, ёлланма ишчи, муқаддам жиноят ишлари бўйича Яшнаобод туман судининг 2015 йил 21 апрель кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 3-қисми “д” банди билан 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, Фарғона тумани, “Миндонобод” МФЙ, Мустақиллик шукронаси кўчаси, 236-уйда яшайди, иш бўйича 2024 йил 25 ноябрь куни “шахсий кафилик” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 29 ноябрда олган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара, судланувчининг музокара, ҳимоя ва охириги сўзларини тинглаб, жиноят иши материалларини ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Судланувчи З.Эргашов илгари ЖКнинг 104-моддаси 3-қисмини “д” бандида кўрсатилган жиноятни содир этганлиги учун судланиб, жазо муддатини ўтаб чиққан бўлишига қарамасдан 2024 йил 07 ноябрь куни соат 21⁰⁰ларда собиқ турмуш ўртоғи Х.Эргашовани фуқаро А.Сотволдиев билан Фарғона шаҳар, Сўлим кўчасида пиёда бирга кетаётганларини кўриб қолиб, рашк орқасидан Х.Эргашова билан жанжаллашиб, қасддан уни танасининг турли жойларига уриб, тегиб тан жароҳатлари етказган.

Суд-тиббий экспертизасининг 2024 йил 14 ноябрдаги № 7782-сонли хулосасига кўра, Х.Эргашовада ўнг қўл тўртинчи бармоқ асос фаланга суягини ва бурун суягини ёпик синишлари, пешона-ўнг чакка, ўнг кўз атроф



ковоғи, чап кўз юқори ковоғи, бурун, ўнг сон соҳасида қонталашлари, юқори жағ ўнг томондан 1-тишини травматик синиши, юқори ҳамда пастки лаб шиллиқ қаватларига қон қуйилиши аниқланган бўлиб, ушбу тан жароҳатлари оғирлик даражасига кўра ўртача оғирликдаги тан жароҳатлари сирасига киришлиги кўрсатилган.

Судланувчи З.Эргашов судда, айбига тўлиқ иқроор бўлиб, Х.Эргашова унинг собиқ турмуш ўртоғи булганини, уларнинг 2 нафар фарзандлари борлигини, бирга яшаб келган даврлари давомида ўзаро оилавий келишмовчиликлар бўлиб, 2022 йилда уни жавобини берганини ва шундан буён бирга яшамаганларини, лекин фарзандларини кўриш учун бориб туришини, Россия Федерациясида ишлаб юрган вақтида танишлари унга телефон қилиб ҳамда телеграмм тармоғи орқали турмуш ўртоғини бегона эркаклар билан ўзаро суҳбат куриб юрганлигини айтишганини, у ушбу ҳолатни эшитиб 2024 йил 28 октябрь куни Россия Федерациясидан Ўзбекистонга қайтиб келганини, қайтиб келишига сабаб, турмуш ўртоғини номақбул ишлари фарзандларини тарбиясига ёмон таъсир қилишини уйлаб, улардан хавотир олганини, у қайтиб келганидан сўнг, бир неча кун давомида фарзандларини олдига бориб, улар билан бирга яшаганини, сўнг ўз уйига қайтиб кетганини, 2024 йилнинг 07 ноябрь куни тахминан соат 18-00 да қўшниси Озодбекни уйига кириб, турмуш ўртоғидан шубҳа қилаётганини шу сабабли Қиргули мавзейсига уни ўз автомашинасида олиб бориб келишини илтимос қилгани, Озодбек ҳам рози бўлиб, Қиргули мавзейсига бирга боришиб, турмуш ўртоғини яшайдиган уйнинг яқинида тўхтаб, турмуш ўртоғини кутиб туришганида турмуш ўртоғи Х.Эргашова қаердандур келиб, уйга кириб кетгани ва бироздан сўнг уст бошини алиштириб чиқиб қаергадир пиёда кета бошлагани, шунда у Озодбекка шу ерда кутиб туришини айтиб, ўзи турмуш ўртоғини ортидан кузатиб бораётган вақтида, турмуш ўртоғи унга нотаниш бўлган кейинчалик таниган Аброр исмли йигит билан кўришганини, турмуш ўртоғи Аброр билан юзини текизиб кўришганини ва бу ҳолатни кўриб, жаҳл устида уларни олдига бориб Аброрни қўллари билан итариб юборганини ва улар уришиб кетишганини, шунда Аброр уни кучоқлаб олиб уни қўйиб юбормаганини ва унга қараб “мени танимадингизми” деб айтганини ва у унга қараб кўчада танишган Аброр эканлигини билиб унга “танидим, мени қўйиб юбор” деганида Аброр уни қўйиб юборганидан сўнг, ушбу жойда бўлган турмуш ўртоғи Х.Эргашовани аччиқ устида бир неча маротаба юз қисмига ва бошқа тўғри келган жойларига уриб тепиб юборгани, натижада турмуш ўртоғи ерга ўтириб қолгани, шундан сўнг у Озодбекни чақирганини ва уни “Матиз” автомашинасига турмуш ўртоғини ўтиргизиб шифохонага олиб борганини, Х.Эргашова уни устидан ариза ёзиб беришини айтганини ва уни турли хил сўзлар билан ҳақорат қилганини, сўнг Х.Эргашова унинг телефон аппаратидан фойдаланиб, ИИБга хабар берганини, лекин, ИИБ ходимлари келмаганини ва ИИБ ходимлари келмагани учун ўзи уни ИИБ биносига олиб борганин баён этиб, ҳозирда жабрланувчи билан ярашиб келишиб олганини,



қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, бу ҳолат бошқа қайтарилмаслигини баён қилиб суддан енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи Х.Эргашова судда, ҳақиқатдан ҳам ҳозирда судланувчи З.Эргашов билан 2018 йилда шаръий никоҳ асосида турмуш қурганини ва бирга яшаганини, кейинчалик 2020 йилда қонуний тарзда никоҳдан ўтиб, яна турмушларини давом эттирганларини, икки нафар фарзандлари бўлсада, 2021 йилнинг қиш фаслида оилавий келишмовчиликлар сабабли ажрашиб кетишганини, шундан буён у опасини уйда опаси билан бирга яшаб келишини, опаси Севарахон ҳозирда Россия Федерациясида бўлганлиги учун унинг фарзандларига ҳам қараб келишини, 2024 йил 07 ноябрь куни тахминан соат 20-00 ларда дугонаси Чаросни кўриш учун уни уйига бормоқчи бўлиб, яшаш хонадонидан чиқиб, уни уйи томонга қараб ҳаракатланиб кетаётганида унга аввалдан таниш бўлган ва узоқроқ қариндоши Аброрни кўриб қолганини, шу куни Аброр нотаниш бўлган бир аёл билан бирга келаётганини, қўлида ёнида бўлган аёлни ёш боласини кўтариб олган бўлганини, шу сабабли у билан қўл бериб бошларини бир-бирига теккизиб кўришганини, Аброр билан кўришганидан сўнг, уни олдида бўлган аёлни уйи олдигача кузатиб кўйишганини, сўнг нотаниш бўлган аёлни уйининг кириш эшиги олдидан бироз юриб, кейинги келадиган подъезд олдига етиб борган вақтларида, бирдан собиқ турмуш ўртоғи судланувчи З.Эргашов келиб қолиб, унинг олдида бўлган Аброрни урмоқчи бўлиб қўл кўтарганини, лекин, Аброр унга чап бериб қолганини, ушбу ҳолатдан сўнг Аброр уни елкасидан қучоқлаб олиб, ерга ўтиргизиб олиб, З.Эргашовга “мени танидингизми” деб сўраганини, шунда З.Эргашов унга таниганлигини айтганини, шундан сўнг, Аброр уни қўйиб юборганини ва З.Эргашов ўрнидан туриб, Аброр билан иши бўлмай, аксинча уни қўллари ва оёқлари билан уриб кетганини, бу ҳолатларни кўрган Аброр бу ердан кетиб юборганини ва у шу ерда З.Эргашов билан бирга қолиб кетганини, сўнг олдиларига унга нотаниш бўлган кейинчалик исмини билган Озод исмли шахс келганини ва турмуш ўртоғи уни Озоднинг “Матиз” русумли автомашинасига ўтиргизиб шифоҳонага олиб борганини ва шифокорларга кўрсатганини, у З.Эргашовга бўлган ҳолат бўйича шахар ИИБга хабар беришини айтганини, З.Эргашов уни шифокорларга кўрсатиб бўлганидан сўнг, ўзи 2-сон ИИБга олиб борганини ва у ИИБ биносига кириб, бўлган ҳолатлар юзасидан ариза ёзиб берганини, ҳозирда ушбу ҳолат юзасидан З.Эргашовга нисбатан моддий ва маънавий зарарни ундириш бўйича ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, уни кечирганлиги сабабли унга нисбатан енгиллик беришни сўради.

Гувоҳ О.Жўрабоев судда, судланувчи З.Эргашовни 3-4 йилдан буён танишини, чунки улар қўшни бўлиб яшашларини, 2024 йил 07 ноябрь куни соат 17-00 да яшаш уйда ўз ишлари билан банд бўлиб турган вақтида, қўшниси З.Эргашов чақириб, ундан автомашинасида Фарғона шахрининг Қиргули мавзейсига бирга бориб келишларини илтимос қилгани, нима сабабдан бориш кераклигини сўраганида, З.Эргашов унга собиқ турмуш ўртоғидан шубҳаси борлигини, уни “биронтаси билан гаплашиб юрибди” деб



айтганини, сўнг кўшниси бўлгани учун рози бўлиб, уй ташқарисида турган “Матиз” русумли автомашинасида у айтган жойга борганликларини, соат 20.00 ларга яқин вақтда З.Эргашовни турмуш ўртоғи яшайдиган жойга етиб келиб ушбу жойда автомашина ичида ўтирганликларини, шунда, З.Эргашовни турмуш ўртоғи Х.Эргашова келиб, кўп қаватли уйлардан бирига кириб кетганини, орадан бироз муддат ўтиб, Х.Эргашова устини алмаштириб уйдан қайтиб чиқиб, уйнинг ўнг томонига қараб кетганлигини, ушбу ҳолатни З.Эргашов кўриб, уни шу ерда кутиб туришни айтиб турмуш ўртоғи кетган томонга қараб кетганини, у эса З.Эргашовнинг гапларига асосан, автомашинасида қолиб, уни кутганлигини, орадан 15 дақиқа ўтганидан сўнг, З.Эргашов унга кўнғироқ қилиб, ўзини турган жойини тушунтириб шу ерга тезда келишини сўрагани ва у айтган жойга автомашинасида ҳаракатланиб борганида З.Эргашовни кўрганини, уни олдида эса ҳозирда жабрланувчи Х.Эргашова ерда ўтирган бўлиб, юз қисми қизарган ва кўқарган, яъни тан жароҳатлари бўлиб, аҳволи ёмон ҳолатда бўлганлигини, З.Эргашов тезда Х.Эргашовани уни автомашинасига ўтиргизиб шифохонага олиб бориб шифокорларга кўрсатгани, кейин эса Х.Эргашова З.Эргашовни устидан тегишли жойга ариза ёзишини айтганини ва З.Эргашов уни гапларига жавоб қилиб, “қаерга ёзсанг ёз” деб, ўзини телефон аппаратини Х.Эргашовага берганини, Х.Эргашова уни телефонидан ИИБга хабар берганини, бироқ ИИБ ходимлари бу ерга келмаганини, шу сабабли З.Эргашов Х.Эргашовани яна уни автомашинасига ўтиргизиб шаҳар 2-сон ИИБга олиб борганлари ва Х.Эргашова ИИБ биносига кириб кетганидан сўнг, улар ушбу жойда бироз муддат туриб, уйларига қайтиб кетишганини, баён этди.

Судланувчи З.Эргашовнинг содир этган жинояти, унинг судда айбига тўлиқ иқрор бўлиб берган кўрсатуvidан ташқари, жабрланувчи Х.Эргашова ва гувоҳ О.Жўрабоевларнинг суддаги кўрсатувлари, ариза(и.в.5), суд-тиббий экспертизаси хулосаси (и.в.9-10), тушунтириш хатлари ҳамда ишда тўпланган бошқа ҳолис далиллар билан тўлиқ тасдиқланди.

Суд, судланувчи З.Эргашовнинг жиноий ҳаракатини квалификация қилиш масаласини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан З.Эргашовнинг у илгари ЖКнинг 104-моддасида кўрсатилган жиноятни содир этганлиги учун судланган бўлишига қарамасдан, собиқ турмуш ўртоғи Х.Эргашова билан рашк орқасида жанжаллашиб, Х.Эргашованинг танасининг турли жойларига қасддан уриб, содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавfli бўлмаган, лекин соғлиқнинг узоқ вақт, яъни камида йигирма бир кун, аммо тўрт ойдан кўп бўлмаган даврда ёмонлашувига сабаб бўлган қасддан баданга ўртacha оғир шикаст етказганликда ифодаланган ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 126¹-моддаси 5-қисми “ж” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Шунингдек, суд, судланувчи З.Эргашовга жазо тури ва меъерини белгилашда Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида, жиноят кодексининг 8,54-моддалари



мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги тушунтиришларга риоя қилиб, судланувчининг айбига тўлиқ иқрор ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароитини, жабрланувчининг унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини ва унга енгиллик беришни сўраганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида инобатга олиб, у айбланган модда санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазосини тайинлашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473, 476-моддаларига амал қилиб, суд

ҳ у к м қ и л д и :

Эргашов Зойиржон Зокиржон ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 126¹-моддаси 5-қисми “ж” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

3.Эргашовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 126¹-моддаси 5-қисми “ж” банди билан яшаш жойи Фарғона тумани, Миндонобод МФЙ, “Мустақиллик Шукронаси” кўчаси, 236-уйни ишлаш вақтидан, шунингдек иш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойидан чиқишни чеклашдан иборат 3 (уч) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

3.Эргашов зиммасига:

- назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;

- Фарғона вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик каби кўшимча таъқиқлар юклансин.

Жазо ўташ муддати маҳкум жазони ижро этиш инспекциясида ҳисобга кўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро этиш Фарғона туман ИИБ Пробация бўлими зиммасига юклатилсин.

Судланувчи 3.Эргашовга қўлланилган “шахсий кафиллик” тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Жабрланувчи Х.Эргашованинг даъвоси йўқлиги инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кунидан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдиришга, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг эса кассация тартибида шикоят бериш ва протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи

Т.Вахобов



Маъсул судья: Вахобов Тожидин Шарофидинович



Хужжат имзоланган: Вахобов Тожидин Шарофидинович, 09.01.2025

